

# ОҚАВА СУВЛАР ЙЎЛИНИ ТОПАДИГАН БЎЛДИ

*Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш юзасидан тезкор ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталмоқчимиз.*

Соҳани тартибга солувчи 200 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилган. Улардан 17 тасини бугунги талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқиши ташкил этилди. Бевосита аҳолидан 490 та ичимлик ва оқава сув масалалари бўйича мурожаатлар келиб тушган. Вазирликда аҳолини қийнаб келаётган муаммоли мурожаатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли механизм жорий этилди:

- республикада 15,6 фоиз аҳоли оқава сув хизматлари билан таъминланган;

- мавжуд 58 та оқава сув тозалаш иншоотларининг лойиҳа бўйича кунлик қуввати 3,6 млн. м<sup>3</sup> ни ташкил этиб, ҳозирги кунда бир кеча кундузда истеъмолчилар томонидан канализация тармоқларига ташланган 2,7 млн. м<sup>3</sup> оқава сув тозаланмоқда;

- ушбу оқава сув тозалаш иншоотларининг 42 таси ёки 70 фоизи бугунги кунда таъмирталаб бўлиб, жисмонан ва маънан эскирган;

- тизимда 7 503 км оқава сув коллекторлари ва тармоқлари фойдаланишда бўлиб, шундан 35 фоизи таъмирталаб. Қорақалпоғистон Республикасида 72 км, Жиззах вилоятида 167,8 км, Қашқадарё вилоятида 153 км, Хоразм вилоятида 134 км, Бухоро вилоятида 59,4 км, Сурхондарё вилоятида 60,4 км



узушликдаги канализация тармоқларини мукамал таъмирлаш талаб этилади.

Ушбу иншоотларда ўтган йиллар мобайнида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаганлиги сабабли, тозалаш иншоотлари самарасиз фаолият кўрсатиши натижасида атроф-муҳитга йилига 920 млн. м<sup>3</sup> оқава сув етарли тозаланмасдан турли сув манбалари, захкашлар ёки ер рельефига ташланиб келинмоқда.

Оқава сувларни тозалаш иншоотларида жами 257 та насос станциялари мавжуд бўлиб, уларнинг қуввати бир кеча кундузда 1,3 млн. м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Насос станцияларида жами 490 та насослар мавжуд бўлиб, шундан 189 таси ёки 38 фоизи бугунги кунда носоз ҳолатда.

Бундай ҳолатлар Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган оқава сувларни тозалаш иншоотларида ҳам мавжуд.

Мазкур ҳолатларни бартавраф этиш мақсадида Уй-жой

коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан республикадаги мавжуд канализация тизимлари ва тозалаш иншоотларини янгидан қуриш, реконструкция, модернизация қилиш учун халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб этиш ҳамда республика бюджети ва турли хил фондлар маблағлари ҳисобига дастурлар шакллантирилиб, давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда.

Халқаро молия институтлари кредитларини жалб қилиш ҳисобига 36,8 млн. доллар ўзлаштирилиб, Андижон шаҳрида қуввати бир кеча кундузда 100 минг м<sup>3</sup> оқава сувларни тўлиқ биологик тозалаш иншооти, 10,66 км канализация коллекторлари ва тармоқлари реконструкция қилиниб, қурилиш ишлари бажарилди. Натижада, Андижон шаҳри ва Андижон туманининг 160 минг аҳолисига канализация хизматлари кўрсатиш

яхшиланди;

Фарғона ва Марғилон шаҳарлари канализация таъминотини реконструкция қилиш учун 52,6 млн. доллар маблағ сарфланиб, Фарғона шаҳридаги оқава сув тозалаш иншооти қуввати кунига 300 минг м<sup>3</sup> га етказилган, 13,2 км канализация коллекторлари, Марғилон шаҳрида 3 та канализация насос станциялари, 4,9 км канализация коллекторлари реконструкция қилиш натижасида Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ, Қўштепа, Тошлоқ ва Фарғона туманлари 314,0 минг нафар аҳолисига канализация хизматларини кўрсатиш яхшилانган. Шунингдек, Қўқон шаҳрига 41,9 млн. доллар маблағ сарфланиб, қуввати кунига 100,0 минг м<sup>3</sup> канализация тозалаш иншооти реконструкция қилинган, 80 км канализация коллекторлар ва тармоқлари реконструкция қилиниб, қуриш ишлари бажарилди. Натижада Қўқон шаҳри, Данғара туманининг 206 минг нафар аҳолисига канализация хизматлари кўрсатиш яхшиланган;

Термиз шаҳрининг канализация тизимларини такомиллаштириш учун 18,5 млн. доллар маблағ сарфланиб, қуввати кунига 25,0 м<sup>3</sup> дан 35 минг м<sup>3</sup> га етказилган канализация тозалаш иншооти реконструкция қилинган, 101 км канализация коллекторлар ва тармоқлари ҳамда 4 та оқава сув ҳайдаш насос станциялари реконструкция қилинди. Термизлик 56 минг аҳолининг шароити яхшиланди.

2019–2020 йилларда “Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш” лойиҳаси (2 фаза) давом эт-





тирилиб, ушбу ишларга 105,0 млн. доллар маблағ ажратилиб, Самарқанд шаҳрида оқова сув иншооти қуввати бир кеча кундузда 142,5 минг м<sup>3</sup> га етказилади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида жами 307 км канализация коллектор тармоқлари реконструкция қилиниб, янгидан қурилади, натижада Бухоро, Самарқанд ва Когон шаҳарларининг 497 минг аҳолисига канализация хизматлари кўрсатиш яхшилади;

2019–2020 йилларда Жиззах шаҳрида ҳам шундай ишлар давом эттирилмоқда. Лойиҳа доирасида 91,2 млн. доллар маблағ ажратилган, шаҳарда қуввати бир кеча кундузда 30,0 минг м<sup>3</sup> оқова сув тозалаш иншоотини қуриш, 61 км канализация тизимларини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Жиззах шаҳри ва Ш.Рашидов тумани марказининг 60 минг аҳолисига канализация хизматлари кўрсатилади.

2019–2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларининг канализация тизими-

ни реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида 75,54 млн. доллар маблағ ҳисобидан 13 та оқова сув насос станциялари реконструкция қилинади, 5 та оқова сув тозалаш иншоотлари қурилади.

Бундан ташқари бугунги кунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан канализация тизимлари ва сув тозалаш иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун хорижий компанияларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш тизими яратилган.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани марказида Россиянинг ГК “Эколос” компанияси томонидан қуввати кунига 100 м<sup>3</sup> бўлган локал оқова сув тозалаш иншооти қурилиб фойдаланишга топширилиб, кўп қаватли хонадонлар аҳолиси ва марказий касалхона канализация хизматларидан фойдаланмоқда.

Шунингдек, Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги “Манас”

аҳоли пунктида Туркия давлатининг “Биоланд” компанияси томонидан аҳоли ва ижтимоий ташкилотлар учун канализация хизматлари кўрсатиш мақсадида қуввати кунига 200 м<sup>3</sup> бўлган локал оқова сув тозалаш иншооти ишламоқда;

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани марказида Россиянинг “Самэнвиرو” компанияси технологиялари асосида ишлаб чиқарилган, қуввати кунига 2,0 минг м<sup>3</sup> бўлган локал оқова сув иншооти қурилмоқда.

Республика ҳудудларида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича йилдан йилга ўтувчи жами 3 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом эттирилмоқда:

Ушбу инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 282,74 млн. доллар миқдоридан маблағ ўзлаштирилиши натижасида Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарлари аҳолисига оқова сув хизматларини кўрсатиш яхшиланади.

**Ш.РАДЖАБОВ**